

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИМУРОДОВ ИХТИЁР НИШОНОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ДАСТУРЧИЛАРНИ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Рузимуродов Ихтиёр Нишоневич

Электрон таълим муҳитида дастурчиларни касбий компетентлигини
ривожлантириш методикасини 3
такомиллаштириш.....

Рузимуродов Ихтиёр Нишоневич

Совершенствование методики развития профессиональной
компетентности программистов в среде электронного
образования..... 23

Ruzimurodov Ikhtiyor Nishonovich

Improvement of the methodology for the development of professional
competence of programmers in the e-education environment 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИМУРОДОВ ИХТИЁР НИШОНОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ДАСТУРЧИЛАРНИ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped652 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Маматов Дилмурод Нормуротович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “__” __ соат __:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил “_” __ кунни тарқатилди.

(2022 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Э.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида дастурий инжиниринг мутахассисларини касбий компетентлигини ривожлантиришнинг кредит модел технологиялари таълим жараёнига тадбиқ этилмоқда. Халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ, Япония, Россия, Хитой, Малайзия, Сенгапур халқаро ташкилот ва давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилларгача янги таълим концепциясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият”, деб эътироф қилинган. Бу борада замонавий дастурлаш тилларида (Embarcadero Rad Studio, Visual Studio) дастурий маҳсулотлар яратиш ва дастурий пакетлардан фойдаланиб, касбий компетентликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Жаҳон таълим ва олий таълим муассасаларида етук мутахассислар тайёрлаш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси (ICT Development Index)ни ошириш, таълим сифат даражасини янги босқичга кўтариш, бўлажак дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш, электрон таълим муҳитида ўқув натижаларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш, таълим компетенциявий ёндашувларни тадбиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга бўлажак дастурчиларнинг моделлаштириш, лойиҳалаш, дастурлаш, визуаллаштириш касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг таркибий, тузилмавий модулини такомиллаштириш, электрон таълим муҳитида дастурий инжиниринг мутахассисларни касбий компетентлигини ривожлантириш, замонавий дастурий воситаларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир талабага алоҳида мослаша оладиган электрон ўқув материални яратиш ҳамда фанларни ўқитишда мустақил таълимни лойиҳалаштириш бўйича илмий тадқиқотларга аҳамият берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда дастурий инжиниринг мутахассисларни тайёрлаш уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, амалий дастурий пакетлар ва дастурлаш тилларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш, талабалар иштирокида педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишнинг меъёрий асослари ва моддий техника базаси яратилди. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” устувор вазифа сифатида белгиланган¹. Бу борада дастурий инжиниринг мутахассислигига хос сифатларни ва касбий компетентлик даражаларини баҳолаш методикасини

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida”gi Farmoni.// O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami. – T., 2017. B.39

ишлаб чиқиш уларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятига оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасаларида электрон таълимнинг ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари А.А.Абдушукуров, А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимқулов, Р.Р.Боқиев, Ш.Қ.Формонов, Н.А.Муслимов, Н.Д.Маматов, О.А.Қуйсинов Д.И.Юнусова, У.Ю.Юлдашев, Ф.М.Закирова, Т.Шоймардонов, Р.Д.Шодиев; компьютер технологияларидан фойдаланиш М.Арипов, Р.Р.Боқиев, С.Турсунов, Н.И.Тайлақов, М.Э.Мамаражабов, М.Лутфуллаев, Ф.М.Закирова, М.Файзуллаева, Н.Қаюмова, О.Х.Туракуловлар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Дастурчиларга электрон таълим муҳитида дастурий воситалардан фойдаланиб таълим бериш орқали касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари Н.К.Анисова, Т.А.Дюжева, М.В.Горяинов, Л.П.Грищенко, М.М.Манушкина, С.А.Титов, И.Унт, Е.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, В.Д.Шадрикова, Р.В.Есин, Г.Н.Ходырева, М.А.Холодная, Э.Г.Юдин, В.А.Шершнева, Л.В.Шкериналар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатлар олимларидан В.К.Атостич, D.H.Autor, E.Brynjolfsson, A.Mcafee, S.V.Nguyen, D.Dorn, C.V.Frey, M.A.Osborne, L.E.Varshavskii ва бошқалар олий таълим тизимида ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳамда таълимда компетенциявий ёндашувларни тадқиқ қилишган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (2017-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади электрон таълим муҳитида дастурчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электрон таълим муҳитида компетентли дастурчиларни тайёрлашнинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

электрон таълим муҳитида мустақил таълимни амалга ошириш асосида компетентли дастурчиларни тайёрлаш моделини такомиллаштириш;

бўлажак дастурчиларни электрон таълим муҳитида касбий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

дастурий инжиниринг йўналиши талабаларини зарурий касбий компетенцияларини ривожланганлик даражаларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электрон таълим муҳитидан фойдаланиб дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини ривожлантириш жараёни бўлиб, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши, Урганч, Самарқанд филиалларининг 519 нафар талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини электрон таълим муҳитидан фойдаланиб дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари назарий: психологик, педагогик, математик, табиий-илмий, умумкасбий ҳамда ихтисослик фанларига доир адабиётларни тадқиқот муаммоси ва фанлараро узвийлик нуктаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш, малака талаблари таҳлили; эмпирик: кузатиш, суҳбат; статистик: сўровнома ўтказиш, педагогик тажриба-синови ва математик-статистика методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

электрон таълим муҳитида дастурчиларнинг касбий компетентлиги интегратив-аксиологик ёндашувни идентификациялаш, мустақил таълимни амалга ошириш жараёнини талабаларнинг мантиқий фикрлаш траекториясига синхрон адаптив мослаштириш асосида ривожлантирилган;

электрон таълим муҳитида дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш модели талабаларнинг зарурий касбий компетенцияларини мотивацион-қадриятли, рефлексив мезонлар ҳамда репродуктив, фанлараро касбий интерактив курслар методикасига интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак дастурчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари фанлараро интеграция, электрон таълим ресурслари, таълим сайтлари, Android Studio, RAD Studio дастурлаш муҳитида дастурий маҳсулотлар яратиш, мустақил таълимни амалга ошириш жараёнларини объектли-йўналтирилган ёндашувга синхрон мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак дастурчиларнинг касбий компетентлигини баҳолаш мезонлари конструкциялаш, тадқиқотчилик, мутахассисликка хос диалетик трансформацион сифатлар, операцион, технологик-психологик тузилмалар, вербал операциялар дастурий таъминотни ишлаб чиқиш фаолияти профессиограммасига рефлексив мослаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дастурчиларни электрон таълим муҳитида касбий компетентлигини дастурий воситалар асосида ривожлантиришга қаратилган таълим методларидан самарали фойдаланилган ва дастурий воситалар устуворлигини таъминлаган ҳолда талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи “Ҳисоб (Calculus)” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак дастурчиларни эҳтимоллик ва статистика фанини ўқитиш орқали касбий компетентлигини ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган, шу билан бирга, математик дастурий пакетлар ва дастурлаш тилларидан фойдаланиб талабаларни электрон таълим муҳитида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган, дастурчиларни электрон таълим муҳитида ўқитиш орқали касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган дастурлаш тиллари асосида “Эҳтимоллик ва статистика” фани учун www.pt-etask.uz номли веб сайт яратилган, педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дастурий инжиниринг бакалавриат таълим йўналиши талабаларини электрон таълим муҳитида касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий, илмий-методик асослари мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунига ҳамда мазкур муаммо бўйича республикамиз ва хорижий педагог-тадқиқотчиларнинг илмий-назарий ғояларига асосланилганлиги; тадқиқот методларининг тадқиқот вазибаларига мос равишда татбиқ этилганлиги; илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий кўрсаткичлари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган тадқиқотнинг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари “Дастурий инжиниринг” таълим йўналиши талабаларини электрон таълим муҳитида

касбий компетентлигини ривожлантиришда дастурий пакетлардан ташқари дастурлаш тилларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштирилганлиги, талабалар иштирокида педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилганлиги ва таълим жараёнига татбиқ этилганлиги, илмий-тадқиқотлар ҳамда тажриба-синов ишлари натижаларини қайта ишлашда дастурий воситалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти табиий-илмий (математика), умумкасбий (дастурлаш) ва дастурий инжиниринг танлов фанларини фанлараро интеграцион ўқитиш орқали касбий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилганлиги, “Ҳисоб” фанидан дастурий воситалардан фойдаланишга доир маъруза машғулоти учун ўқув қўлланма ишлаб чиқилганлиги, дастурлаш тилларида “Чизикли алгебраик тенгламалар системасини ечиш электрон дастури” каби педагогик дастурий маҳсулотлар яратилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида дастурчиларни касбий фаолиятга бўлган қизиқишларини, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ,

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та шундан 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Электрон таълим муҳитида компетентли дастурчиларни тайёрлашнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида техника олий таълим муассасалари “Дастурий инжиниринг” бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш хусусиятлари, электрон таълим муҳитида мустақил таълимни дастурий воситалар асосида ташкиллаштириш ва электрон таълимда дастурлаш муҳитидан фойдаланиб талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели шу билан бирга, замонавий ёндашув, шакл, усул ва воситалари назарий таҳлил қилинган.

Давлат таълим стандартларида умуммаданий етукликлар умумбашарий етукликка айлантирилиши белгиланган бўлиб, касбий етуклик эса битирувчининг касбий фаолиятига мос келувчи касбий стандартлар асосида белгиланади. Бу ерда “Дастурий инжиниринг” йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенциясига кирувчи компетенциялар тўплами куйидагича: ахборотни қидириш, танқидий таҳлил қилиш ва синтез қилиш, вазифаларни ҳал қилишда тизимли ёндашувни қўллаш олиш; ўз вақтини бошқара олиш, ҳаёт давомида таълим тамойилларига асосланган ўз-ўзини ривожлантириш траекториясини қуриш ва амалга ошириш; математик ва табиий-илмий ва умумкасбий билимларини, математик анализ ва моделлаштириш усулларини, назарий ва экспериментал тадқиқотларни касбий фаолиятда қўллаш олиш; ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-библиографик маданият асосида касбий фаолиятнинг намунавий вазифаларини ҳал эта олиш.

Масофавий таълим деярли электрон муҳитда амалга оширилади, чунки масофавий таълим аудиториядан ташқари таълимдир. Талаба-ўқитувчининг ўзаро муносабати синхрон (чатлар, вебинарлар ва бошқалар орқали электрон муҳитда амалга оширилади) ва асинхрон (электрон почта, форумлар ва бошқалар) элементлари ва ресурсларини ўз ичига олади.

Электрон муҳитда таълим олишнинг геймификацияси тамойиллари:

Тескари алоқа тамойили. Геймификация талабаларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ўз вақтида тузатишга ва натижада электрон муҳитда ўқув жараёнларини интенсивлаштиришга имкон берувчи доимий, ўлчовли мулоҳазаларни қабул қилиш билан бирга олиб борилиши керак.

Мотивация тамойили. Ижобий ёки салбий ҳис-туйғулар инсоннинг ҳаракати учун энг кучли мотиватор ҳисобланади. Геймификацион таълимда мотивлар электрон муҳитда талабаларга самарали таъсир қилиш учун энг кенг функционаллик билан ажойиб воситага айланади.

Тараққиёт тамойили. Геймификацияланган таълим жараёни таълим мақсадларига эришишнинг боришини тасаввур қилиш имконини беради, ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам ўз афзалликларингизни кўрсатиш имконини беради. Тан олиш ҳисси ўз-ўзини ҳурмат қилади ва ижобий хулқ-атвор моделини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Рағбатлантириш тамойили. Электрон муҳитда ҳар қандай самарали ҳаракат олинган натижанинг аҳамиятига мос келадиган мукофот билан бирга олиб борилиши керак. Мукофот виртуал мақомни кўтариш, ҳақиқий совринни олиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Чеклаш тамойили. Тақдим этилган маълумотлар кичик таркибий қисмларга ажратилиши керак, бу эса курсда талабалар ривожланиши билан аста-секин кириш мумкин. Электрон муҳитда геймификациянинг бу тамойилини амалга ошириш учун микро-таълим назарияси ва мақсадли ахборот таъминоти назариясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Электрон муҳитда ўрганишнинг геймификацияси қуйидаги функцияларни амалга оширади, яъни:

Инсоннинг ўз-ўзини англаш функцияси. Инсон сифатида ўз-ўзини англаш соҳаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан гамификация электрон муҳитда рақобат жараёнини ва мақсадга эришишда ўз-ўзини амалга ошириш имкониятини ташкил этади.

Терапевтик функцияси. Инсоннинг ўрганишда турли қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ишлатилиши мумкин.

Кўнгилочар функцияси. Геймификациянинг кўнгилочар функцияси ўқув фаолиятидан таълим олиш, қувонч олиш учун қулай муҳит яратиш билан боғлиқ бўлиб, у шахснинг барқарорлашувига олиб келади ва ўзига бўлган ишончни қозонишга, ўз салоҳиятининг ривожланишидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради.

Дастурчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш тамойиллари дастурлаш муҳитида мустақил таълим траекториясини яратиш асосида шакллантирилади: фундаментал, касбий аҳамиятлилик, фанлараро интеграция, назария ва амалиёт бирлиги, индивидуаллаштириш, ўқитишнинг интерактивлиги. Шакллантирилган тамойилларга асосланган ҳолда дастурлаш муҳитида ишлаш тамойиллари: яхлитлик тамойили, мазмуннинг хилма-хиллиги ва долзарблиги тамойили, индивидуаллаштириш тамойили ва дастурлаш муҳитида мустақил таълимни амалга ошириш мезонлари: индивидуал хусусиятли мезон, ривожланиш мезони, таълим жараёнини интенсифлаштириш мезони, тесқари алоқа мезонлари. Касбий компетентлиги таркиби 1-расмда келтирилган.

Диссертациянинг **“Электрон таълим муҳитидан фойдаланиб компетентли дастурчиларни тайёрлаш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида ахборот таълим муҳитида **“Дастурий инжиниринг”** таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш, электрон ўқув курсларини ташкил этиш асосида компетентли дастурчиларни тайёрлашнинг таълим технологиялари ва методикаси ишлаб чиқилган ва мустақил таълим машғулотларида дастурлаш тилидан (Visual C++) фойдаланиш-компетентли дастурчиларни тайёргарлигини баҳолаш мезони эканлиги кўрсатиб ўтилган.



1-расм. Дастурий инжиниринг йўналишидаги талабаларнинг касбий компетентлиги таркиби

Электрон ўқув курсида талабаларнинг касбий компетентлигининг компонентларини ривожлантиришга имкон берувчи электрон таълим муҳитидан фойдаланиб дастурчининг касбий фаолияти жараёнида ишлашнинг асосий тамойилларини қуйидагилар: мақсадлилиқ тамойили-талабаларнинг таълим жараёнида мақсадли идрокини ривожлантириш; мазмуннинг ўзгарувчанлиги ва долзарблиги тамойили-таълим мазмуни турли шаклларига эга бўлиб, касбий фаолият доирасида унинг мазмуни талабалар учун долзарб ҳисобланади; даврийлик тамойили-тақдимотнинг турли шаклида тақдим этилган ўрганилаётган мавзу материалга автоматлаштирилган ҳолда қайтиш; индивидуаллаштириш тамойили-таълим жараёнини электрон муҳитда индивидуаллаштиришни таъминлаш, талабага индивидуал таълим траекториясини қуриш.

Ушбу тамойиллар электрон таълимда муҳитидан фойдаланиб олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос ва хусусиятларини акс эттиради ҳамда

таълим тизимининг диққат-эътиборини талабага қаратган ҳолда шахсга йўналтирилган ёндашув асосида таълимни ошириш имконини беради.

Моделлаштириш, шу жумладан электрон ўқув курсида амалий дастурлаш тиллари ва амалий дастурий пакетлардан фойдаланиб касбий компетентликни ривожлантириш учун “электрон семинар” элементи орқали амалга ошириладиган мустақил топшириқлар ишлаб чиқилади. Амалий ҳисоб-китобларни бажариш учун мавжуд дастурий таъминот турли хил бўлиб, қуйидаги иш турларини бажариш имконини беради: тадқиқотларни рақамли ва символик шаклда бажариш, алгоритмларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш, маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва визуаллаштириш. Энг кенг тарқалган амалий дастурий пакетлари орасида қуйидагиларни таъкидлаймиз:

Mathematica амалий математик дастурий пакети илмий ва таълим муҳитида кенг тарқалган. Mathematica ўрганиш осон ва фойдаланувчилар томонидан кенг қўлланилади олий таълим муассасаси ўқитувчилари ва талабалари, муҳандислар ва тадқиқотчилар;

Maple амалий математик дастурий пакети турли ёндашувлардан фойдаланадиган ва алоҳида ечимларни таҳлил қиладиган компьютер тажрибалари учун қулай муҳитни таъминловчи энг кўп қиррали символик ҳисоблаш тизимидир;

Matlab математик дастурий пакети символик математика учун мўлжалланган ва математика соҳасида кенг қўллаш учун мўлжалланган ва математик ҳисоблашларда ишлатилади: чизиқли алгебра ва математик моделлаштириш масалаларини ҳал қилиш, статик ва динамик тизимлар ва объектларни ҳисоблашда кенг қўлланилади;

MathCad математик компьютер тизими-кенг қамровли символик ҳисоблаш имкониятларига эга математик матнларнинг илғор муҳаррири. Бу ерда барча ҳисоблашлар кўп ишлатиладиган математик шаклдаги ифодаларни кўрғазмали қайд қилиш даражасида бажарилади.

Статистик ҳисоблаш муҳити R-статистик маълумотларни қайта ишлаш ва графиклар ҳосил қилиш учун дастурлаш тилидир. R статистик ва рақамли усуллари кенг қўламли қўллаб-қувватлайди ва дастурий пакетлар билан яхши кенгайтириш хусусиятига эга. Таълим жараёнида амалий математик дастурлар пакетларини математик фаолиятда қўллаш касбий компетентлик компонентларини ривожлантириш имконини беради.

“Эҳтимоллик ва статистика” фани бўйича ишлаб чиқилган электрон ўқув курси Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг масофавий таълим сайтида www.moodle.tuitkf.uz мавжуд.


“Эҳтимоллик ва статистика” фани модулли тузилишга эга ва қуйидаги модулларни ўз ичига олади: тасодифий ҳодисалар, тасодифий ўзгарувчилар, математик статистика. Фаннинг модулли тузилиши унинг мазмунини, ҳар бир модулдаги назарий ва амалий қисмларнинг нисбати, уларнинг тартиби ва назорат шакллари мослашувчан тарзда сошлаш имконини беради. Бу машғулот тури талабанинг мустақил иши ролини ошириш ва ўз-ўзини

ўрганиш кўникмаларини ривожлантириш ва уларни ўрганиш вақтини мустақил равишда ташкил этишни таъминлайди.

Ҳар бир модул тақдимотнинг учта кўринишда назарий материаллар, амалий машғулотга доир мисоллар, амалий математик дастурий пакетлар (MathCAD, Matlab, Maple ва бошқалар) ва дастурлаш тиллари (Visual C++, Visual Derphi)дан фойдаланишни ўз ичига олади. Шунингдек, босқичли вазифаларни ўз ичига олувчи тренинглар, талабаларни касбий фаолиятга йўналтирилган вазифаларни ҳал этишга тайёрловчи электрон семинар шаклидаги мустақил таълим топшириқларини ўз ичига олади.


Электрон таълим муҳитида дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришда фанлараро интеграция қуйидагича амалга оширилди: 1). фанлараро горизонтал интеграция, 2). фанлар мавзулараро вертикал интеграция.

“Дастурий инжиниринг” бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ фанлар танлаб олинди ва интеграцияланди (2-3-расмлар).



2-расм. Фанлараро горизонтал интеграция

Электрон таълим муҳитида дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришда фанлараро интеграция қуйидагича (3-расм):



3-расм. Фанлараро вертикал интеграция

Таълим жараёнида маъруза, амалий, лаборатория, мустақил таълим ва тўғарак машғулоти куйидагича олиб борилади:


маърузада: муаммоли таълим методидан фойдаланиш натижасида талабаларнинг моделлаштириш компетенцияси ривожлантирилади;

амалий машғулотида: лойиخالаш методидан фойдаланиш натижада талабаларнинг лойиخالаш компетенцияси ривожлантирилади;

лаборатория машғулотида: иллюстратив таълим методидан фойдаланиш натижасида талабаларда конструкторлик компетенцияси ривожлантирилади;

мустақил таълим ва тўғарак машғулотида: тадқиқотчилик таълим методидан фойдаланиш натижасида талабаларда тадқиқотчилик компетенцияси ривожлантирилади.


Дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш электрон таълим муҳити куйидагича курилади (4-расм):



4-расм. Дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришнинг электрон таълим муҳити

Электрон таълим муҳитида дастурлаш тилларидан, дастурий пакетлардан ва таълим сайтларидан фойдаланиб мустақил таълим траекториясини куриш асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг методик модели тузилишини ўзаро боғлиқ бешта блоклар кўринишида тақдим этамиз. Методик модел мақсадли, концептуал, технологик, рефлексив-баҳолаш ва натижа блоклардан иборат бўлиб, 5-расмда кўрсатилиб ўтилган.

Методик моделнинг мақсадли, концептуал, технологик, рефлексив-баҳолаш ва натижа блоклари тўплами электрон таълим муҳитида касбий компетентликни ривожлантиришга ёрдам беради. Таклиф этилаётган методикани амалга ошириш электрон таълим муҳитида мустақил таълим таълим траекторияси асосида “Дастурий инжиниринг” бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигининг барча компонентларини ташкил этади.



5-расм. Электрон таълим муҳитида дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш модели

Табиий-илмий, умумкасбий, ихтисослик фанларининг мазмунидан келиб чиқиб электрон ўқув курсининг касбий компетентликни тегишли компонентларини шакллантириш ва баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган элементлари белгиланган бўлиб улар 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Касбий компетентликни ривожлантирувчи электрон курс элементлари

Касбий компетентлик			
Когнитив	Аксиологик	Мотивацион-Қадриятли	Рефлексив-Баҳолаш
Маъруза тренинглари	Мавзу бўйича кўникма ва малакаларни шакллантирувчи тестлар, индивидуал топшириқлар	Амалий йўналтирувчи топшириқлар	Маъруза тренинглари
Билим ва кўникмаларни текширувчи автоматлаштирилган тест тизими	Электрон семинарлар, босқичли тренинглари	Геймификация элементлари, Анкеталар	Босқичли тренинглари, Электрон семинарлар, Баҳолаш журналари, Геймификация элементлари, Сўровномалар

Электрон таълим муҳотида дастурчиларни ўқитишда фанлараро интеграция муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланди, яъни математика ва дастурлаш фанларини ўзаро алоқадорлигини таъминлаш дастурчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш омили эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Эҳтимоллик ва статистикадан электрон таълим муҳотида амалий машғулот жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, хусусан MATLAB, MAPLE, MathCAD дастурий тизимлари ҳамда C++, Java(SE-8)-eclipse компьютер дастурларидан самарали график режимида қўллаш талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш билан бир қаторда фанлараро узвийликни таъминлайди ва талабада мустақил ишлашга кўникма ҳосил бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган.

Тажриба-синов иши 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши, Самарқанд ва Урганч филиалларида уч йил давомида олиб борилди. Бунда жами бўлиб 519 нафар талабалар иштирок этди. Улардан тажриба гуруҳида 257 нафар талаба ва назорат гуруҳида 262 нафар талаба қатнашди. Талабаларга “Эҳтимоллик ва статистика” фани электрон ўқув курсидан фойдаланиб ўқитилди. Таълим жараёнида математик моделлаштиришни статистика соҳасини касбий фаолиятида қўллашга қаратилган вазифалардан фойдаланилди. Талабаларининг касбий компетентлигини шаклланганлик даражаси диагностик усуллар орқали ўлчанди.

Тажриба-синов тадқиқотлари қуйидаги: *қайд этувчи, изланувчи, таълим берувчи* босқичлардан ташкил топди.

Касбий компетентлик мезонлари ва даражаларини ўлчашнинг оддий баҳолаш тартибини ташкил қилиш имконини берди (2-жадвал).

2-жадвал.

Дастурчиларни электрон таълим муҳитида касбий компетентлигини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари

Мезонлар	Касбий компетентликни ривожлантириш кўрсаткичлари
Когнитив	– моделлаштиришда қўлланиладиган символларни билади; – моделлаштириш учун ишлатиладиган дастурий аппаратни билади; – дастурлаш тиллари ва математик дастурий пакетларининг функционал имкониятларини ва мустақил янгиларини ривожлантириш йўллари билади.
Аксеологик	– ҳақиқий объектларни касбий фаолиятнинг белгиланган мақсадларига мувофиқ равишда куради; – касбий соҳада моделлаштириш ва лойиҳалаш усуллари бўйича мутахассис; – касбий муаммоли масалалар ечиш учун дастурлаш тиллари ва амалий математик дастурий пакетларининг инструментал имкониятларига эга.
Мотивацион-қадриятли	– касбий-амалий соҳадаги муаммоли касбий масалаларни формаллаштиришга, моделлаштиришга ва лойиҳалашга қизиқади; – моделлаштириш ва лойиҳалаш жараёнида дастурлаш тиллари ва амалий математик дастурий пакетлардан фойдаланишга қизиқади;
Рефлексив-баҳолаш	– моделлаштириш объектини танқидий таҳлил қилишни амалга оширади; – моделлаштириш жараёнида, лойиҳавий ишларда ва дастурлашда ўз ўзлаштириш даражасини баҳолайди; – моделнинг адекватлигини баҳолайди; – моделлаштириш натижаларини дастурлаш тиллари ва амалий математик дастурий пакетларида таҳлил қила олади.

Дастурчиларни касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари:

Репродуктив-талабаларнинг талабалар дастурий воситалардан фойдаланиб математик моделлаштиришни амалга ошириши;


қисман изланишли (муаммоли вазиятларни ҳал қила олиши)-талабаларнинг лойиҳавий-конструкторлик касбий фаолиятига тайёргарлик даражаси;

креатив (юқори даражадаги касбий фаолият)-талабаларнинг илмий-тадқиқот касбий фаолиятига тайёргарлик даражаси.

3-жадвал.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши, Самарқанд ва Урганч филиалларида олиб борилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари

Касбий компетентликни ривожланганлик даражаси	Тажриба гуруҳларида		Назорат гуруҳларида	
	Тажриба бошида 255 нафар талаба (%)	Тажриба охирида 257 нафар талаба (%)	Тажриба бошида 261 нафар талаба (%)	Тажриба охирида 262 нафар талаба (%)
Юқори	8.3	16.7	4.1	5.4
Ўрта	62.5	81.9	70.3	71.6
Паст	29.2	1.4	25.6	23



6-расм. Умумий диаграмма

4-жадвал.

Миқдорий мезонлар кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Табриба-синов гуруҳи m=257	Назорат гуруҳи n=262
1	Статистик таҳлил	1.13-2.26	1.84-1.9
2	Ўртача квадратик хатолик	0.31	0.223
3	Стьюдент танламали мезони (T _{x,y})	16.4 (8.625 > 1.84)	
4	Кўрсаткичлар хулосаси	H ₀ гипотеза рад қилиниб, H ₁ гипотеза қабул қилинади	

Тадқиқотимиз натижасида, барча тажриба-синов майдончалари сифатида танлаб олинган тажриба-синов ишлари нихоясида, тажриба гуруҳидаги дастурчиларнинг кабий компетентлигини ривожланганлик даражаларининг самарадорлиги 1,13 (13%) юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарали эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

“Электрон таълим муҳитида дастурчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. "Дастурий инжиниринг" бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ташкил этувчи касбий компетенциялар мажмуи аниқланди ва тавсифланди; "Дастурий инжиниринг" бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигининг тузилмавий-таркибий модели такомиллаштирилди; касбий компетентликни ривожлантириш самарадорлиги кўрсаткичлари аниқланади: мезонлар (когнитив, аксиологик, мотивацион-қадриятли ва рефлексив-баҳолаш), шунингдек унинг шаклланиш даражалари (репродуктив даражаси, фанлараро интеграция даражаси, касбий интеграция даражаси) аниқланди.

2. Электрон таълим муҳитида касбий компетентликни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари аниқланди ва асосланди: яхлитлик тамойили, мазмуннинг хилма-хиллиги ва долзарблиги, даврийлик тамойили, индивидуаллаштириш тамойили ва электрон таълим муҳитида индивидуал таълимни амалга ошириш мезонлари: индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш мезони, таълим жараёнини интенсивлаштириш мезони, тескари алоқа мезонлари аниқланган.

3. "Дастурий инжиниринг" бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели электрон муҳитда мустақил таълимни амалга ошириш асосида ишлаб чиқилди. Талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш электрон таълим муҳитида таълим сайтларидан фойдаланиб дастурлаш тиллари ва амалий математик дастурий паектлар ёрдамида "Эҳтимоллик ва статистика" ўқув фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

4. Касбий компетентликни ривожлантиришнинг методик моделига мувофиқ замонавий таълим воситалари ва усулларидан фойдаланган ҳолда "Эҳтимоллик ва статистика" фани бўйича электрон ўқув курси ишлаб чиқилди, шу жумладан электрон таълим муҳитида математикани ўрганишда талабаларни жалб қилиш ва талабаларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил таълимни амалга оширишни таъминлаш: назарий материални ўзлаштириш даражаси, мотивация даражаси ва электрон муҳитда фаолият даражаси бўйича олиб борилган.

5. Аралаш таълим шаклидаги замонавий таълим воситалари ва усуллари мажмуини ўз ичига олган электрон ўқув курси ёрдамида ўқитиш жараёнида "Дастурий инжиниринг" бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш усули таклиф этилган.

6. Электрон таълим муҳитида мустақил таълимни амалга ошириш асосида "Дастурий инжиниринг" бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси самарадорли эканлиги тасдиқланди. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари шуни кўрсатдики, электрон таълим муҳитида талабаларни ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилган методик модел ва методика касбий компетентликнинг талаб даражасида ривожланишига ёрдам беради ва геймификация тизимидан фойдаланиш талабаларнинг ўқув жараёнига тўлиқ жалб этилишини ҳамда фаол иштирок этишини таъминланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РУЗИМУРОДОВ ИХТИЁР НИШОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРОГРАММИСТОВ В
ЭЛЕКТРОННОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ**

13.00.06 – Теория и методика электронного образования

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.2.PhD/Ped652.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна доктор педагогических наук, доцент
	Маматов Дилмурод Нормуротович доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, доцент
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № ____). Манзил: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2022 г.
(Протокол реестра рассылки № ___ от “___” _____ 2022 г.)

М.Э.Хайдаров
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.п.н., профессор

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.п.н., доцент

Н.А.Муслимов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, п.ф.д.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертационной темы. В высших образовательных учреждениях мира в учебный процесс внедряются кредитно-модульные технологии по развитию профессиональной компетентности специалистов программного инжиниринга. В новой концепции образования до 2030 года, принятой международными организациями и государствами США, Японии, России, Китая, Малайзии, Сингапура признано, что “Образование – основная движущая сила развития и важная деятельность по достижению целей стабильного развития”. В связи с этим важное значение приобретает создание программных продуктов на современных языках программирования (Embarcadero Rad Studio, Visual Studio) и внедрение в практику проектов по развитию профессиональной компетентности с использованием программных пакетов.

В высших образовательных учреждениях мира осуществляются научные исследования в области подготовки высококвалифицированных специалистов и повышения индекса (ICT Development Index) развития информационно-коммуникационных технологий, поднятия образования на новый качественный уровень, развития профессиональной компетентности будущих программистов, совершенствования механизма формирования учебных результатов в электронной образовательной среде, внедрения компетентностного подхода в образование. Вместе с тем это предполагает необходимость совершенствования структурного модуля развития таких профессиональных компетенций будущих программистов, как моделирование, проектирование, программирование, визуализация, развития профессиональной компетентности специалистов программного инжиниринга в электронной образовательной среде, широкого внедрения в образовательный процесс современных программных средств, создание электронных учебных материалов, адаптируемых к каждому отдельному студенту, с учетом индивидуальных особенностей студентов, и проектирование самостоятельного образования в процессе изучения учебных дисциплин.

В нашей стране в последние годы созданы нормативные основы и материально-техническая база для развития профессиональной компетентности специалистов программного инжиниринга в процессе их подготовки, совершенствования методики практических программных пакетов и языков программирования, разработки педагогической программной продукции с участием студентов. “Продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда”². В этой связи в развитии профессиональной компетентности специалистов программного инжиниринга важное значение приобретает разработка методики оценки качеств, присущих специалистам программного инжиниринга и уровней профессиональной компетентности.

² Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”// Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, УП-5349 от 19 февраля 2018 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций”, ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах” и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование проводилось в рамках первого приоритета развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-нравственного развития информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Проблемы процесса, закономерностей и тенденций развития электронного образования в высшем образовании и подготовки обучающихся к профессиональной деятельности исследованы такими отечественными педагогами, как А.А.Абдушукуров, А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, Р.Р.Бокиев, Ф.М.Закирова, Ш.К.Формонов, Н.А.Муслимов, Н.Д.Маматов, О.А.Куйсинов, Т.Шоймардонов, Р.Д.Шодиев, Д.И.Юнусова, У.Ю.Юлдашев; использование компьютерных технологий исследовано такими учеными, как М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Р.Бокиев, М.Лутфуллаев, М.Э.Мамаражабов, Ф.М.Закирова, Н.Каюмова, О.Х.Туракулов, С.Турсунов, Н.И.Тайлаков, М.Файзуллаева,

Проблемы развития профессиональной компетентности программистов посредством их обучения с использованием программных средств в электронной образовательной среде исследованы такими учеными стран СНГ, как Н.К.Анисова, Т.А.Дюжева, М.В.Горяинов, Л.П.Грищенко, М.М.Манушкина, С.А.Титов, И.Унт, Е.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, В.Д.Шадрикова, Р.В.Есин, Г.Н.Ходырева, М.А.Холодная, Э.Г.Юдин, В.А.Шершнева, Л.В.Шкерина.

Зарубежными учеными, такими как В.К.Атростик, D.H.Autor, E.Brynjolfsson, A.Mcafee, S.V.Nguyen, D.Dorn, C.V.Frey, M.A.Osborne, L.E.Varshavskii и другими, исследованы проблемы эффективного использования возможностей информационных технологий в системе высшего образования и компетентностный подход к образованию.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где была выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках прикладного проекта ПЗ-2017927124 “Развитие педагогической деятельности в образовательных учреждениях на основе сотрудничества”, согласно плану научно-

исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета (2017-2020 гг.).

Цель исследования разработка предложений по совершенствованию методики развития профессиональной компетентности программистов в электронной образовательной среде.

Задачи исследования состоят в следующем:

проанализировать педагогическо-психологические возможности подготовки компетентных программистов в электронной образовательной среде;

усовершенствовать модель подготовки компетентных программистов на основе осуществления самостоятельного обучения в электронной образовательной среде;

усовершенствовать методику развития профессиональных компетенций будущих программистов в электронной образовательной среде;

усовершенствовать механизм оценки уровней развития необходимых профессиональных компетенций студентов образовательного направления Программный инжиниринг.

Объектом исследования является процесс разработки метода повышения профессиональной компетентности программистов с использованием среды электронного обучения, в котором приняли участие 519 студента из Каршинского, Ургенчского, Самаркандского филиалов Ташкентского университета информационных технологий.

Предметом исследования является содержание, формы, методы и средства развития профессиональной компетентности программистов с использованием электронной образовательной среды.

Методы исследования. В диссертации использованы такие теоретические методы, как изучение, анализ относящейся к проблеме исследования психологической, педагогической, математической, естественнонаучной, общепрофессиональной и специальной литературы с междисциплинарной точки зрения, анализ квалификационных требований; а также эмпирические методы, такие как наблюдение, беседа; статистические методы, такие как проведение опроса, педагогический эксперимент и математико-статистические методы.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

развита профессиональная компетентность программистов в электронной образовательной среде на основе синхронно-адаптивного приспособления идентификации интегративно-аксиологического подхода, процесса реализации самостоятельно обучения к траектории логического мышления студентов;

усовершенствована модель развития профессиональной компетентности программистов в электронной образовательной среде на основе интеграции необходимых профессиональных компетенций студентов в мотивационно-ценностные и рефлексивные критерии и методику репродуктивных, междисциплинарных профессиональных интегративных курсов;

